

Таълим муасссаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби билан танишмисиз?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470 -сон қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра:

- Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланиб, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб амалиётга жорий этилиши;

- Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги 515-сон [қарорига](#) ўзгартиришлар киритилганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш;

- Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига юкланган.

Батафсил <http://lex.uz/docs/4367782> сайтида НИЗОМдаги 1-боб. Умумий қоидалар; 2-боб. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш; 3-боб. Эксперт комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг таркиби; 4-боб. Аттестация якунлари; ҳамда аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш СХЕМАСИ билан танишишингиз мумкин.

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Т.Султанов